



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 16 ноябрь, № 222 (5389)

Чоршанба

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида "ZagExpo" миллий кўргазма компанияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Дори-Дармон" АК, "Ўзфармасаноат" ДАК ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида "PharmMedExpo — 2011" кўргазмаси иш бошлади. Тадбирнинг очилишида соҳа ходимлари, юртимиз ва хорижда фаолият юритаётган қатор компаниялар мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.



«PharmMedExpo — 2011»

Мутахассисларнинг қайд этишича, мамлакатимизда тиббиёт соҳаси ривожини йўлга қўйишда амалга оширилаётган эзгу чора-тадбирлар туфайли эл соғлиғи муҳофазасини таъминлаш борасида ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришилмоқда. Бинобарин, бугунги кунда хасталикка тезкор равишда аниқ ташхис қўйиш, самарали даволаш ва энг муҳими, унинг олдини олиш жаҳондаги тиббиёт ривожланган мамлакатлар эришаётган заворли ютуқлар сирасига қиради. Юртимизда бунинг

учун барча имкониятлар мундариҳа қилинганлиги, жойларда энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган шифо масканлари самарали фаолият кўрсатаётгани Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасидир, албатта.

...Экспозициядан ўрин олган тиббий жиҳозлар, ташхис ва муолажа ускуналари, дори-дармон ҳамда шифобахш гиёҳлар, шунингдек, санита-

рия-гигиена, реабилитация, спорт-соғломлаштириш воситаларини тиббиётнинг энг сўнгги янгиликлари, дейиш мумкин. Негаки, ушбу халқаро тадбирда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг махсулотларидан ташқари, Буюк Британия, Бангладеш, Жанубий Корея, Россия, Покистон, Ҳиндистон, Сурия, Украина каби мамлакатларнинг фирма ва компанияларини ишлаб чиқарилган тиббий воситалар ҳам намойиш этилмоқда.

— Махсулотларимиз қисқа вақт ичида Ўзбекистон бозорига ўз харидорларини топиб улгурди, — дейди Жанубий Кореянинг "Нугабест" компанияси сервис директори Игорь Цой. — Бунинг боиси мамлакатимизда шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаётгани, янгидан-янги спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти йўлга қўйилганлигидир. Умуман, биз тавсия этаётган тиббий ускуналар танада қон айланишини яхшилашга, асаб, умуртқа ва бўғимларда юзага келган муаммоларни бартараф этишга мўлжалланган. Қўриб турганингиздек, "NM-5000" деб номланган мана бу махсус массаж каравотини нафақат шифохона ва сихатгоҳларда, балки уй шароитида ҳам доимий қўллаш мумкин. У юрак-қон томир, қандли диабет, урология ва нафас йўллари хасталикларини даволашда яхши самара беради.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Тошкент шаҳрида 15 ноябрь куни Ҳамкорлик бўйича "Корея Республикаси — Марказий Осиё" форумининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси, Корея Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркменистон делегациялари иштирок этди.

ҲАМКОРЛИККА БАҒИШЛАНДИ

2007 йилдан буюн ҳар йили ўтказиб келинаётган мазкур форум Корея Республикаси билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий, ахборот-коммуникация технологиялари, қурилиш ва транспорт, фан, таълим, маданият, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган.

Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида муваффақиятли ва ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўпланган. Корея Республика-

си Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорларидандир. Ўзаро ҳамкорликнинг ўтган даврида Корея Республикаси томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган сармоянинг умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Жанубий Корея компаниялари билан ҳамкорликда тоғкон саноати, тўқимачилик, маиший техника буюмлари ишлаб чиқариш каби соҳаларда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш учун Жанубий Кореядан замонавий технологиялар жалб этиш икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларидандир.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқсалар, янгиликлар,
хабарлар

Муносиб ҳисса

ХОРАЗМ гиламлари азалдан дунёга машҳур. "Баркамол Хива" корхонаси жамоаси ҳам ўз саъй-ҳаракатлари билан ана шу турдаги миллий махсулотларимиз шухратини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Яқинда бу ерда кенг қўламли модернизация тадбирлари амалга оширилиши натижасида махсулот сифати яхшиланганига қўлмай, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам сезиларли даражада ортди. Тез орада корхонада тайёрланаётган бежирим гилам ва пойандозларни чет элга ҳам экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Хива туманида 70 дан зиёд саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлса, улардан 10 таси айнан гилам махсулотлари ишлаб чиқариш билан машғул. Бу эса туманда кули рақобат муҳити шаклланидан далolatдир.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорлар Таянчи

АНДИЖОН. Жорий йилнинг ўтган даврида Асака туманидаги 402 нафар тадбиркорга тижорат банклари томонидан 4 миллиард 555 миллион сўмлик кредит ажратилиши ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришда қўл келди.

Ўз навбатида, ушбу молиявий мадад туфайли 611 иш ўрни яратилди.

Хусусан, тадбиркор М. Шокиров ҳам ўзининг 50 миллион сўмлик ҳамда банкнинг 20 миллион сўмлик маблағи эвазига "Дўст шериклар" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. 25 кишини доимий иш билан таъминлаган тадбиркор ўтган қисқа муддатда корхонанинг дастлабки 40 миллион сўмликка яқин махсулотини савдо шохбчаларига чиқарди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқдаги «Марварид»

БУХОРО. Ромитан туманидаги Қалайчорбоғ қишлоғида «Ҳафизобод» фермер хўжалиги раҳбари Отабек Қўзиёв ташаббуси билан «Марварид» деб номланган мажмуа қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу кўркем иншоот сўжалликнинг 100 миллион сўмдан ортиқ маблағи эвазига бунёд этилди. Ҳозир бу ерда 500 ўринли маросимлар зали, озиқ-овдат бўлими ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари ишлаб турибди. Муҳими, мажмуа иш бошлаши билан ўн бешга яқин янги иш ўринлари яратилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — Япония: ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Яқинда Японияда ана шундай мавзуларни қамраб олган қатор анжуманлар бўлиб ўтди. Жумладан, Япония олий ўқув юртлири тадқиқотчи ва профессор-ўқитувчилари ҳамда мазкур мамлакат олий ўқув юртлирида тахсил олаётган ўзбекистонлик талаба ва аспирантлар иштирокида Цукуба университетда

Биз ва жаҳон

«Ўзбекистон — Япония илмий талабалар форуми»нинг иккинчи анжумани ташкил этилди.

Унда ўзбекистонлик талаба ва аспирантлар ҳуқуқшунослик ҳамда унинг қўлланилиши, иқтисодий моделлар ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, япон тили стилистикаси ҳамда грамматикаси, Ўзбекистон ва Япония тарихи сингари академик фанлардан чуқур билимга эга эканликларини муносиб равишда намойиш этишди. Бу Цукуба университети раҳбарияти томонидан юқори баҳоланди.

Цукуба университети ректори Нобухиро Ямада ҳамда япон эксперт доираларининг бошқа вакиллари икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга, табиий ва фундаментал фанларнинг икки томонлама қизиқиш уйғотган турли йўналишларида таълим ҳамда тадқиқотчилар

ўртасидаги алмашувлар сонини кўпайтириш асносида академик ҳамкорликни янада фаоллаштиришга Япония ҳукумати устувор аҳамият бераётганини таъкидлашди.

Уларнинг фикрича, 1997 йилдаёқ Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури-кистон — Япония илмий талабалар форуми»нинг иккинчи анжумани ташкил этилди.

Талабалар форуми якуни бўйича Ўзбекистоннинг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Япониянинг Цукуба университети ўртасида имзоланган «Илмий алмашув ва ҳамкорлик ҳамда унинг қоидалари тўғрисидаги Битим» мuddати навбатдаги беш йилга узайтирилди. Ўзбекистон олий ўқув юртлири раҳбарлари маърузачилар ва тадбир ташкилотчиларига фахрий сертификатлари тантанали равишда топширилди.

(Давоми 2-бетда).

Наманган: Бунёдкорлик, Ташаббускорлик ва истиқбол



Наманган — водийнинг муаззам манзили. Бу ерда яшаётган халқ ажойиб фазилатлари — меҳнаткашлиги, гулга, гўзалликка ошуфталиги, ширинзабонлиги, хунармандлиги ва тадбиркорлиги билан ажралиб туради. Вилоятда истиқлол йилларида ҳар соҳада ўсиш, ривожланиш юз берди. Шаҳар кўчалари, бог ва хиёбонлари гул-гул яшнаб, янгича қиёфа касб этди.

— Бундан икки йил муқаддам Президентимиз шаҳримизга ташриф буюрганларида бу ерда қурилган тартибсиз уй-жойлар, йўл ёқаларию йўлакларга қалаштириб ташланган савдо, умумий овқатланиш шохбчаларини кўриб, шаҳримизга замонавий қиёфа бағишлаш, одамларга қулайликлар яратиш юзасидан ўзларининг қимматли маслаҳатларини берган эдилар, — дейди шаҳар ҳокимининг ўринбосари Нусратилла Убайдуллаев. —

2009 йилнинг 6 августида давлатимиз раҳбарининг «Наманган шаҳрини 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Ана шу тарихий ҳужжат Наманганда жаҳон шаҳарсозлиги ва миллий меъморчилигимиз анъаналари асосидаги катта бунёдкорлик юмушларини бошлаб берди.

(Давоми 2-бетда).

Фахр



Ҳасан ПАЙДОВ ошган суратлар.

«АҚЛ ТАРОЗИСИГА ҚЎЙИБ ИШ ТУТИШ ЛОЗИМ...»

Ўрта Осиёдаги трансгеаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш, ушбу минтақада улкан сув иншоотлари қурилиши масалалари хорижий мамлакатларнинг давлат, сиёсат ва эксперт-тахлил доираларининг диққат-эътиборида турибди.

Хусусан, Франция геосиёсат институтининг Бельгиядаги эксперти П. Э. Томан ўрта Осиёда кенг миқёсда сув лойиҳаларини амалга оширишга, жумладан, баҳайбат сув иншоотларини барпо этишга интилаётганлар, энг аввало, улар келтириб чиқарадиган оқибатлар устида чуқурроқ мулоҳаза юритишлари зарур, деган фикрни илгари сурди.

Экспертнинг мулоҳазасига кўра, сейсмик жиҳатдан хавфли бўлган ҳудудда ҳар қандай йирик сув иншоотининг қурилишига жуда эҳтиёткорлик ва теран мушоҳадага таяниб ёндашмоқ керакки, ҳеч шубҳасиз, Ўрта Осиё минтақаси ана шундай ҳудудлар сирасига қиради. «Сирдарё ва Амударё Ўрта

Осиёдаги асосий сув артериялари эканлиги ва минтақадаги 50 миллиондан зиёд аҳолининг ҳаётий тақдирини шубҳасиз равишда таъминлашга ҳисобга олинган экан, бирон бир сув лойиҳасининг рўёбга чиқарилишида ҳудуддан мазкур дарёлар оқиб ўтадиган мамлакатлар билан келишиб иш тутилиши лозим», дея таъкидлади мутахассис.

Олимнинг қайд этишича, трансгеаравий дарёларда йирик сув иншоотлари қурилишининг лойиҳалари халқаро экспертлар иштирокида пухта ўрганилиши даркор. Унинг ҳисоблашча, Тожикистоннинг бундан 40 йил муқаддам тайёрланган улкан «Роғун» гидроэлектростанцияси қурилиши лойиҳасини ҳаётга таъбиқ қилиш тўғрисидаги қаро-

ри ўта хавфлидир. Негаки, мазкур лойиҳа халқаро экспертлар томонидан ҳолисона ва ҳар томонлама таҳлил этилган ҳамда унинг рўёбга чиқарилиши улкан фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин.

П. Э. Томан бундай лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қилаётганларни оқилона иш тутишга ҳамда бундай жиддий қурилиш билан боғлиқ барча масалаларни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида ҳал қилишга чақирди.

Бельгиянинг Кириллик Археология академияси аъзоси, профессор Жан Бланкоффнинг таъкидлашча, дунёдаги энг баланд «Роғун» гидроэлектростанцияси қурилиши кўзда тутилаётган ҳудуд сийсмик жиҳатдан Ер қуррасидаги энг хавфли ҳудудлардан бири ҳисобланади. Профессорнинг айтишича, 8 — 10 балл кучга эга зилзилалар бир неча бор содир бўлган

бу минтақада яна кучли ер силкинишлари рўй бермаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Тўғон ости ер қатламларининг тузли тошлар билан бир-бирига улангани ҳисобга олинмаган бўлса, мазкур ҳудудда баланд тўғоннинг қурилиши нафақат шунчаки хавфли, балки ўта фавқулодда хавфлидир.

Жан Бланкофф ушбу лойиҳа жонкуярларини «Роғун» гидроэлектростанцияси қурилишининг оқибатлари, яъни у мабодо ҳалокатга юз тузган тақдирда, дахшатли инқирозларга, жуда кўп одамларнинг ноубуд бўлишига олиб келиши муқаррарлиги юзасидан жиддий мулоҳаза юритишга чақирди.

Ўз навбатида, Тожикистондаги «Asia-Plus» интернет наشري тарқатган хабарда маълум қилинишича, тожик олими, техника фанлари доктори, профессор Алимхон Бурхонов ўз мамлакатини раҳбариятини «Роғун» гидроэлектростанция-

си қурилишидан воз кечишга даъват этди. Унинг фикрича, бундай иншоотлар қурилиши жуда кўп вақт талаб қилиши баробарида, асрлар давомида одамлар яшаб келган катта ҳудудларнинг сув остида қолишига сабаб бўлади.

Шунингдек, тожикистонлик олимнинг ҳисоблашча, 335 метр баландидаги тўғон Тожикистоннинг ўзида ҳамда унга қўшни мамлакатлар ҳудудларига яшайдиган аҳоли учун муайян хавф-хатарларни туғдиради. У киши гидроэлектростанциялар қурилишига эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги фикрини ўртоқлашган экан, бундай мўъжаз гидроэлектростанциялар анча самарали бўлишига ҳамда «Тожикистондан оқиб ўтадиган барча дарёларда ана шундай кичик сув иншоотларини барпо этиш лозимлигига» қомил ишонч билдирди.

«Жаҳон» АА.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан 2012 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда куйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлашга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, кейинги йилларда sanoatни модернизациялаш, иқтисодиётга тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, инқирозга қарши чоралар дастурлари изчил рўёбга чиқарилмоқда. Бу дастурлар, айниқса, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

сасига тўғри келиши назарда тутилганлигини айтиб ўтилди. Айни чоғда яқна тартибдаги тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини янада тараққий топтириш, пудрат асосидаги курилиш, чунончи, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш, аҳолини турли шаклдаги қасаначилик ишларига жалб этиш, халқ хўнарамдчилигини ривожлантириш каби бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган йўналишларига эътиборни жадвал қўчайтириш мақсада мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Шубҳасиз, худудлар ва турли тармоқлар с а л о ҳ и я т и н и тўлиқ димографик ва иқтисодий ётдаги таркибий ўзгаришларнинг меҳнат бозорига таъсирини инобатга олиш ижтимоий бандликни янада мустақамлашда муҳимдир. Зотан, ана шунда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланилади, аҳолининг тадбиркорлик соҳасидаги ташаббуслари рағбатлантирилади.

Тадбирда келгуси йилга мўлжалланган бандлик дастурига устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, худудий ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожланиш лойиҳаларини янада жадвал рўёбга чиқариш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш шулар жумласидандир. Дастурда қишлоқ жойларига ижтимоий бандлик салоҳиятини юксалтириш, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, қайта тайёрлаш ва ижтимоий муҳофиза қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилди.

Семинарда туманлар ва шаҳарлар, тармоқлар ва аниқ корхоналар бўйича дастур ижросини тизимли ҳамда мунтазам мониторинг қилиб бориш, тасдиқланган иш ўринларини ташкил этиш параметрлари бажарилишини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлигига ҳам тўхталиб ўтилди.

Анжуманда кўриб чиқилган масалалар бўйича тақлифлар билдирилди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сиджон МАХСУМОВ.

ҲАМКОРЛИККА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Жанубий Корея Президентини Ли Мён Бакнинг жорий йилнинг август ойида Ўзбекистонга ташрифи доирасида икки томонлама сармоявий ҳамкорликка оид қўл муҳим лойиҳа — Устурт газмик мажмуаси курилиши бошланди. Бу мажмуани барпо этиш шариҳари 2,6 миллиард доллардан ортқ тўғридан-тўғри сармоя кириши режалаштирилмоқда. Ўзбекистонда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш ҳамда қўғаларало логисти-

ка марказини барпо этиш лойиҳалари Жанубий Корея ҳукумати ва ишбилармон доиралари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Анжуманда Корея Республикаси билан Марказий Осиё мамакатлари ўртасида илфан ва технологиялар, худудлар ва минтақаларни ривожлантириш, электрон ҳукумат яратиш ҳамда спорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро таъжриба алмашиш каби масалалар юзасидан атраофлича фикр алмашилди.

(Ў.а).


ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Буюк Британиянинг “Интерсюжикал” компаниясида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса республикамизга эндигина олиб келинди. Юқори сифати ва ихчамлиги боис кўпчиликда қизиқиш уйғотаётган ушбу маҳсулотнинг бир оз мuddат аввал бизнинг худудда атиги икки хили мавжуд эди. Энди эса компания дистрибьюторлари юртимиздаги харидорларга хилма-хил анестезиологик анжомларни тақлиф этмоқдалар.

— Компаниямиз жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчилардан бири ҳисобланади, — дейди “Интерсюжикал”нинг минтақавий савдо директори Александр Кравченко. — Бугунги кунда маҳсулотларимиз жаҳоннинг юзга яқин давлатларига экспорт қилинмоқда. Ўзбекистонда ақиндагина фаолият бошлаган бўлишимизга қарамай, кўплаб шифо масканла-

ри билан шартнома имзолашга эришдик. Тиббиёт кўрғазмасида ҳам янгидан-янги мижозлар орптириш, ўзаро манфаатли ҳамкор-



ЎЗРТХБ	котировкалари сўм/кг	УН олий нав 849,4 ▲ +9,4	УН биринчи нав 655,4▲ +29,8	УН иккинчи нав 583,4 ▼ -0,5	ПАХТА ЁФИ 1914,0 ▼ -18,4	СУЛЬФАТ АММОНИЙ 220,6 ▼ -0,2
--------	----------------------	--------------------------	-----------------------------	-----------------------------	--------------------------	------------------------------



Наманган: БУНЁДКОРЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ИСТИҚБОЛ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Фарзандларимиз маънан етук, жисмонан соғлом камол топишлари зарур. Бунинг учун спорт иншоотлари қанча кўп бўлса, шунча яхши. Худди шу ақидага амал қилган ҳолда эски, нураб ётган ёғ-экстракция заводи биноси ўрнида мухташам спорт қосҳонасини куришга киришилди. Бу улкан мажмуа салкам бир йил ичида барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Айтиш жоизки, шаҳарнинг Истиклол кўчасига ўзгача чирой ва жозоба бахш этиб турган ушбу “Баркамол авлод” спорт мажмуаси ўз меъморий ечимини, ноёб дизайнини, спортчи ёшлар учун яратилган қўлайликлари билан бетакор ва ўзига хос.

— Бу спортсевар ёшларимиз учун Истиклолнинг 20 йиллик байрамига муносиб совға бўлди, — дейди мажмуа раҳбари Комилжон Ражаббоев. — Келгусида бу маскандан кўплаб етук спортчилар етиб чиқишга ишонамиз.

Рўпарада ям-яшил стадион. Минг томошабин ўринидиги эга, айлана йўлақлари хориждан келтирилган махсус тўшамалар билан қопланган мазкур стадионда нафа-

қат вилоят микёсидаги, балки республика ва халқоро даражадаги мусобақаларни ҳам бемалол ўтказиш мумкин. Теннис корти кўркамлиги ва қўлайликлари билан ҳар қандай диди нозик одамнинг эътиборини тортади. Сўл томонда мухташам сузиш ҳавзаси. Унда эса салкам юз метрлик ёпиқ манеж.

— Бу ерда волейбол, қўл тўпи, кураш, минифутбол, баскетбол, спорт гимнастике каби спортнинг 14 тури билан йил — ўн икки ой шугулланиш мумкин, — дейди Комилжон. — Шунингдек, бу ерда бир қатор нуфузли мусобақаларни ўтказишнинг ҳам мўлжаллапмиз.

Бадиий гимнастика, бокс, стол

ташрифлари чоғида янги спорт мажмуасида бўлиб, бу ердаги ишларга юксак баҳо бердилар, бир гуруҳ спортчи ёшлар билан суҳбатлашдилар.

— Президентимиз билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдим, — дейди Наманган шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Диёрабону Маҳмуджонова. — Юртбошимиз ўқишларимиз, спортда эришаётган муваффақиятларимиз билан қизикдилар. Яқинда бадиий гимнастика бўйича вилоят мусобақасида биринчи ўринни олганимни айтганимда мени табриқладилар. Бизга совғалар улашдилар. Биласизми, мен

чилар мамлакатимиз фахридир. Вилоят спортчилари ўтган йилнинг ўзида республика ва халқоро микёсдаги чемпионатларда муваффақиятли иштирок этиб, жами 837 та, шундан 239 та олтин медални кўлга киритишди.

Вилоятда нафақат спорт мажмуалари, шу билан бирга, кўз-кўз қилса арзигулик бошқа иншоотлар ҳам қад ростлади. Улардан бири шаҳарнинг гавжум даҳасида жойлашган “Кичкинтойлар боғи”дир. Боғ нақд 9 гектар майдонни эгаллаган. Айтиш мумкинки, бу боғ тузилиши, дизайни, яратилган шарт-шароитлари билан водийда



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

ўша пайтда аъло ўқиб, спорт билан мунтазам шугулланиб, албатта, жаҳон чемпиони бўламан, деб ният қилдим.

Наманганликлар спортни жондиларидан севадилар. Бунга бу ердан етишиб чиққан машҳур спортчиларнинг эришаётган галабалари ёркин мисол бўла олади. Хусусан, шахмат бўйича ўсимирлар ўртасидаги Осиё чемпионати олтин медал соҳиби Ольга Сон, белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, каратэ бўйича Венгрияда ўтказилган Жаҳон кубоғи мусобақасининг кумуш медал соҳиби Бобур Юнусов, бокс бўйича Осиё чемпиони Аҳмаджон Мамажонов каби спорт-

— Шаҳримизда кичкинтойларга аталган шундай гаройиб боғнинг бунёд этилиши катта воқеа бўлди, — дейди меҳнат фахрийси Низомхон ота Сатторов. — Мен бу ерга невараларимни тез-тез олиб келаётган бўлдим. Болажонларнинг фақат киноларда кўрган ҳайвонларини бу ерда учратиш завқланишлари, турли аттракционларда учиб, яйрашларини кўриб қувониб кетасан, киши. Бу боғда нафақат кичкинтойлар, балки уларни олиб келган катта ёшдагилар ҳам дам олиб, хордиқ чиқармоқда. Шундай ажойиб, бошқа жойларда кам учрайдиган боғимиз борлигини биз беҳад мамнунмиз. Шаҳарнинг Навоий кўчасидаги

“Ёшлар маркази”нинг фойдаланишга топширилганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Марказ ёшларнинг севили масканига айланиб улгурди. Бу ерда турли фанлар ва касбларга йўналтирилган 14 дан зиёд тўғараклар мунтазам ишлаб турибди. — Президентимиз вилоятимизда бўлганларида, бизнинг марказимизга ҳам ташриф бурюдилар, — дейди хорижий тиллар тўғраги аъзоси, шоираликка ҳавас қўйган Меҳриноз Аббосова. — Биз, ёшлар билан суҳбатлашиб, бу ерда яратилган шароитлар, орзу-мақсадларимиз билан қизикдилар. Мен Юртбошимизга Ватан ҳақидаги ўзим ёзган шеъримни ўзбек ва инглиз тилларида ўқиб бердим. Бу учрашув бир умр ёдимдан чиқмайди. Хар доим Президентимиз ишончларига муносиб бўлиш, шеърларимда она-Ватанимни, бу ерда амалга оширилаётган буюк ўзгаришларни мадҳ этиш эзгу мақсадимдир.

Шаҳарнинг Тўрақўрган, Фирвонсой, Бобуршоҳ кўчаларида ҳам курилиш, реконструкция ишлари қизғин бораётди. Тўрақўрган кўчасининг икки томонига тадбиркорлар томонидан замонавий лойиҳалар асосида 48 та савдо ва сервис шохобчалари курилиши нияҳисига этиб қолди. Фирвонсой кўчасидаги 33 та объектда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Бобуршоҳ кўчасидаги ҳовладан тикланган 182 та хонадон ўрнида икки, уч қаватли, барча қўлайликларга эга уй-жойлар, маданий-маиший, савдо, сервис кўрсатиш шохобчалари қад кўтараяпти. Дастур доирасида “Бахт уйи”, Хотира майдони, Миллий банк ва “Алоқа” банки филиаллари, 5 та мактаб биноси куриб битказилди, 11 мактаб қайта реконструкция қилинди. Шунингдек, яна 24 та кўчада курилиш-таъмирлаш ишлари юқори суръатларда амалга оширилаётди.

Умуман, Наманганда бунёдкорлик ишлари авжида. Зеро, Президентимизнинг беқиёс эътибори ва гамхўрликлари туфайли Наманган кун сайин яшнар, яшариб, истиқлолимизнинг чароғон ва обод манзилига айланиб бормоқда.

Али ЗИЁДОВ, Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Ўзбекистон — Япония: ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шу ўринда таълим соҳасида ўзбек-япон ҳамкорлиги кўламлирини янада кенгайтириш юзасидан яқинда Нагоя шаҳрида бўлиб ўтган, Ўзбекистон ва Япония олий ўқув юрлари раҳбарларининг икки мамлакат муносабатлари тарихидаги илк йиғилишини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Мазкур йиғилиш Япониянинг ўндан зиёд етакчи олий ўқув юрлари раҳбарларига ўзбекистонлик касбдошлари билан ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан ўзаро фикр алмашиш имконини яратди.

Нагоя университети ректори Мичинери Хамагучи ўзбек талабалари ва аспирантларининг Япония олий ўқув юрларида илмий фанларни ўзлаштиришлари юқори баҳо берар экан, улар олган билмлар келажакда Ўзбекистоннинг равнақи ва гул-

лаб-яшнашига хизмат қилажиги ишонинини билдирди.

Япония олий ўқув юрлари раҳбарлари ўзбек талабалари ва аспирантларининг Кунчиклар мамлакат таълим муассасаларига қисқа ва узоқ муддатли асосда ўқишга қабул қилинишига улар сонини кўпайтириш мақсада мувофиқ эканлиги юзасидан яқдил фикр билдиришлари баробарида, япониялик талаба ва тадқиқотчиларнинг ҳам таҳсил олиш ва таъжриба алмашиш юзасидан Ўзбекистон олий ўқув юрларига юборилишидан манфаатдорлик изҳор этидилар. Япония академик доиралари “Глобал-30” дастури доирасида беш йил давомида хорижлик талабаларнинг ўқишга қабул қилиниши ва таҳсил олиши бўйича қатор япон университетларининг молиялаштирилиши юзасидан Япония ҳукуматининг қумагидан умид қилмоқдалар.

2008 йил тасдиқланган мазкур дастур халқоро алоқаларни янада фаолаштиришни кўзда тутди. Танаб олган 13 та университет орасида Нагоя университети мазкур дастур доирасида Ўрта Осиё давлатлари билан ҳамкорлик қилади.

Анжуман доирасида икки мамлакат олий ўқув юрлари ўртасида академик ҳамкорлик қўламлирини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон ва Япония таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш тизими ва дастурлари тўғрисида ўзаро ахборот алмашувини таъминлаш учун Нагоя университетининг Тошкентдаги ваколатхонаси интернет веб-саҳифаси негизида виртуал майдон яратиш ҳамда ушбу йиғилишни ҳар йили аънавий ўтказиб туриш юзасидан қарор қабул қилинди.

«Жаҳон» АА.

Интилиш

Тошкент вилоятида шу йилнинг ўтган даврида чорвачиликни ривожлантириш учун 4 миллиард 741 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди.

ИККИ БАРОБАР ЎСИШ

Пировардида йилига 900 минг литр сут, 2100 тоннага яқин гўшт тайёрлаш имкони вужудга келди. Айниқса, наслчиликка қаратилган эътибор бу борада катта аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Чиноз туманидаги “Юлдуз” фермер хўжалиги яқинда Германиядан 132 баш зотдор қорамол олиб келди. “Ўзнасчилик” корхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилган мазкур лойиҳа учун 975 миллион сўм сарфланди. Бу, ўз навбатида, хўжаликда сут тайёрлаш ҳажми икки баробар ошишига замин яратди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖИ

жараёнида молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредитлар ҳиссаси салмоқли бўлмоқда

Кеча пойтахтимизда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун “Банкларнинг мамлакатимиз аграр салохиятини оширишдаги роли” КИШЛОҚ ИНФРАСТРУКТУРАСИ ўзгартириш, деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш” мавзуда матбуот анжумани ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан уюштирилган мазкур тадбирда аграр тармоқни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга иштиросулий ўзгартирилган “Агробанк” оқик акциядорлик тижорат банки фаолияти таҳлил қилинди.

Анжуман

Таъкидлангани, “Агробанк” республикамиздаги етакчи молия муассасаларидан бири сифатида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фермерликни ривожлантиришга ўзининг муносиб улшини қўшиб келмоқда. Унинг 183 та филиали, 304 та минибанки, 138 та махсус касасаси ва 264 та валюта айирбошлаш шохобчаси 206 мингдан ортқ юридик ва 142 мингдан зиёд жисмоний шахсларга кенг қамровли банк хизматлари тақлиф этаётгани, банкнинг пластик картчаларидан фойдаланувчилар сонини 1 миллион 800 минг нафардан ошгани шундан далолат беради. Бундан ташқари, банк томонидан жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, саклаш ва қайта ишлаш, фермерларнинг кредит ресурсларига бўлган эътиҳини таъминлаш мақсадларига 1,2 триллион сўмдан ортқ маблағ ажратилгани ҳам ўз самарасини кўрсатаётди.

Айниқса, сўнгги икки йил давомида “Агробанк” маблағлари ҳисобидан “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги 29 та корхонада модернизациялаш ишлари олиб борилагани ва шу кўнғача 11

ижросини таъминлаш юзасидан амалга ошираётган ишларини ҳам таъкидлаб ўтиш мақсада мувофиқ. Гап шундаки, “Агробанк” томонидан 346,7 миллиард сўм микдоридаги маблағ айнан шу соҳа вакилларига ажратилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш, ушбу соҳага касб-хўнар коллежалари битирувчиларини жалб этишда, шунингдек, мазкур молия муассасасининг турли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказаятган “Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор”, “Менинг бизнес гоям” сингари курик-танловлари ҳам муҳим аҳамият касб этаётди. Маълумки, бугунги кунда аграр сектор мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғига айланиб бораётди. Жорий йилнинг тўққиз ойида соҳада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,8 фоиз ўсишга эришилган экан, бу республикамиз молия муассасалари томонидан асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 1,6 триллион сўм, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга 59 миллиард сўм, мева-сабзавот тайёрлаш ҳамда иссиқхоналар ташкил этишга 70,1 миллиард сўм, чорвачилик ва паррандчиликнинг молиявий қўллаб-қувватлашга эса 188,3 миллиард сўм микдорига маблағлар йўналтирилганининг амалдаги натиҳаси эмасми?

Анжуманда журналистларга шулар ҳусусида маълумот берилиши баробарида, улар келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар билан ҳам таништирилди.

Д. МУРОДОВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 15 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, ҳисобхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан кўйидаги қийматини белгилади.*

1 Австралия доллари	1826,70
1 Англия фунт стерлинги	2848,82
1 Дания кронаси	328,15
1 БАА дирҳами	482,71
1 АҚШ доллари	1772,98
1 Миср фунги	296,88
1 Исландия кронаси	15,37
1 Канада доллари	1749,71
1 Хитой юани	279,63
1 Россия рубли	58,08
1 Украина гривнаси	222,11
1 Малайзия ринггити	566,45
1 Польша злотийси	557,86
1 СДР	2783,12
1 Туркия лираси	1000,89
1 Швейцария франки	1969,54
1 евро	2429,08
10 Жанубий Корея вони	15,84
1 Япония иенаси	229,84

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЖАҲОН

24 соат ичида

«Airbus» самолётларининг бозори чаққон

АҚШнинг «Aviation Capital Group» лизинг компанияси 30 дона «Airbus A320neo» ҳаво лайнерига бу юртта берди, дейилади «AFP» ахборот агентлиги хабарида.

Томонлар қиймати 2,7 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган ушбу шартномага шу кунларда Дубайда ўтказилаётган авиашоу вақтида имзо чекканлар. «Aviation Capital Group» мутасаддилари бежиз бу рўсумдаги самолётга қизиқиш билдирганлари йўқ. Гап шундаки, «Airbus A320neo» лайнери ёниги бошқа турдагиларига нисбатан 15 фоиз кам сарфларкан.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Дубай авиашоуси «Airbus» учун анча самарали ўтмоқда. Компания қиймати 2,7 ва 4,6 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган иккита йирик келишувга эришгани бунга яққол далилдор.

Индонезияда яна зилзила

Индонезиянинг Кеппулаун Барат Дайа ороллари гуруҳида 5,9 балли зилзила юз берди.



Табиий офат маркази Дили шаҳридан 275 кило-

метр шимол-шарқда қайд этилган. Қурбонлар ва талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ. Айтиб ўтиш жоизки, кунга кеча мазкур давлатнинг Тернате шаҳридан 200 километр жануби-ғарбда 6,6 балли ер силкинши кузатилган.

Шарбат ва ширин уйқу

Нортумбрия (Буюк Британия) университети қошидаги биология мактаби мутахассислари мириқиб ухлаш учун мунтазам гилос шарбатини истеъмол қилишни тавсия этишмоқда.

Бу борада олиб борилган тадқиқотга эллик нафарга яқин одам жалб этилган. Уларга кунга ўттиз-эллик грамм атрофида гилос шарбати берилиб, уйқуси назорат қилиб турилди. Яқунда шарбат истеъмол қилганлар кечаси мириқиб дам олгани аниқланган. Бунга инсон организмда мелатонин моддаси 15-16 фоизга ортгани сабаб бўлган.

Йўл хатони кечирмайди

Жанубий Африка Республикасида йирик йўл ҳодисаси содир бўлди.

Мамлакат пойтахти Кейптаун шаҳри яқинидаги кейтрассида рўй берган кўнгилсиз воқеа оқибатида 20 киши ҳаётдан кўз юмган, етти нафар одам тан жароҳати олган. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораси ходимининг

маълум қилишича, ҳалокатга микроавтобус ҳайдовчисининг шовшашошарлиги сабаб бўлган. Яъни у шундай рўсумдаги бошқа бир йўловчи транспортни қувиб ўтаётган вақтда ағдарилиб кетган. Натижада тўқнашув келиб чиққан.

Бино қулаб тушди

Хитойнинг Хунань музофотида тураржой биноси қулаб тушган.

Бу ҳақда «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Оқибатда ўн киши ҳаётдан кўз юмган, яна шунча инсон жароҳатланган. Фожиа тунда юз бергани боис вайроналар остида яна одамлар қолиб кетган бўлиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.



Ҳаракатга яраша эътироф

Чехиялик ракетка устаси Петра Квитова жорий йилнинг «Энг яхши аёл теннисчиси» дея эътироф этилди.

